Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 6-dekabr, juma

№ 49 (24969)

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ҳудудлар иқтисодиётига эътибор натижасида Фарғонада ҳам имкониятлар юзага чиқмоқда. Сўнгги 7 йилда саноат корхоналари қарийб 3 баробар кўпайиб, 13 мингтага етган. Инвестиция лойиҳалари натижасида 116 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил июль ойидаги ташрифи иқтисодиёт ривожига янги суръат бағишлади. Бу йил 10 ойда хорижий инвестициялар ҳажми 1,5 миллиард долларни, экспорт кўрсаткичи 910 миллион долларни ташкил қилди.

Энди буни келгуси йилда ҳам давом эттириб, инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш зарур. Йиғилишда Президент бу борадаги имкониятлардан айримларини кўрсатиб ўтди.

Яқинда "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси Қувасой шаҳри ҳисобидан 210 гектарга кенгайтирилди. Бу ҳудудда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳани жойлаштириб, қарийб 12 мингта иш ўрни яратиш мумкин. Шунингдек, Қўқонда 71 гектарда технопарк ташкил этилиши биринчи босқичда 900 миллион долларлик, 5 минг ишчилик корхоналарга йўл очади.

Хитойлик ишбилармонлар билан 1 миллиард долларлик, Жанубий Корея билан 240 миллион долларлик инвестициявий келишувларга эришилган. Уларни амалга ошириш учун вилоят туман ва шаҳарларида 1 минг 210 гектарда саноат зоналари ташкил қилишга зарурат бор. Бўлажак корхоналарда 30 минг киши, жумладан, камбағал оила вакиллари иш билан таъминланади.

Бешариқ туманида савдологистика маркази қурилиши бошланган. У, худди Термиздагидек, эркин савдо зонасига айлантирилиб, дўконлар тадбиркорларга ижарага берилади. Бунинг самарасида вилоят экспорти қўшимча 50 миллион долларга, иш ўринлари эса 2 мингга кўпаяди. Шундай мажмуани Қувасой шаҳрида ҳам барпо этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта имкониятлар бор. Фарғонада аҳоли ихтиёрида, йўл ва дала четларида, сув ва ўрмон фондида жами 91 минг гектар ер мавжуд. Улардан унумли фойдаланиб, маҳсулотларни ҳамда қайта ишлашни кўпайтириш зарур.

Масалан, Фарғона туманидаги 15 та маҳаллада йилига 6 минг тонна малина етиштирилади. Уларга яқин ҳудуддан ер берилса, тадбиркор малинани сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлашни йўлга қўйиб, қўшилган қийматни 2,5 карра ошириш таклифини билдирган. Бошқа бир ташаббускор Сўхдаги ўрмон ерини ижарага олиб, 800 гектарда каврак, 50 гектарда заъфарон етиштирмоқчи.

Олтиариқдаги иккита насос станциясига 9 километр қувур тортиб, қувватини ошириш орқали 1 минг 400 гектарда интенсив боғ қилса бўлади. Унда қўшимча 55 минг тонна экспортбоп мева етиштирилади.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Хусусан, келгуси йилда 3,7 миллиард доллар инвестиция олиб келиш, экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. 500 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш, 22 минг оилани камбағалликдан чиқариш вазифа қилиб олинган.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни такомиллаштириб, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш бўйича қарор тайёрлашга кўрсатма берди. Экспортчиларга барча қулайликларни яратиш, бандликка кўмаклашиб, ишсизликни камайтириш зарурлиги таъкидланди. Ҳокимлар ва бошқа мутасаддиларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш шартлиги белгиланди.

ЎзА.

Фарғона шаҳрининг БОШ РЕЖАСИ:

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛАЁТГАН МУҲИМ ҚАДАМ

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 12 сентябрдаги "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" давлат муассасаси томонидан Фарғона шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда дастлабки маълумотлар йиғилиб, лойиҳа таклифи (эскиз лойиҳа) тайёрланди. Ишлаб чиқилган таклиф асосан 3 та, яъни транспорт структураси, шаҳарни реновация ва консервация ҳудудларига ажратиш ҳамда реконструкция қилинадиган ҳудудларни белгилаш йўналишларини қамраб олган.

(Давоми 2-бетда).

ХИТОЙГА 30 КУНГА ВИЗАСИЗ БОРИШ МУМКИН

Ўзбекистон ва Хитой ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари бу тўғрисида битим имзолади. Ушбу сиёсий жараён ҳақида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов маълум қилди.

"Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ҳамкасбим Ван И билан биргаликда фуқароларимизга икки мамлакатга 30 кун давомида визасиз саёҳат қилиш имконини берувчи Битимни имзоладик. Бу ҳужжат алоқаларимизни янада фаоллаштириш, савдо айланмасини ошириш ва халқлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир" — деб ёзади Саидов.

Дарҳақиқат, икки давлат ўртасида визасиз тартибни амалиётга киритишдан кўплаб эзгу мақсадлар кўзланган. Энг асосийси, ҳар икки томоннинг муносабатларни янада ривожлантиришга интилиши халқларимиз манфаатига хизмат қилиши шубҳасиз.

Жараён

Қўқон шаҳридаги 44-давлат умумий ўрта таълим мактаби давлат дастури доирасида янгитдан барпо этилди. Уни фойдаланишга топшириш маросимида секторлар раҳбарлари, устоз-мураббийлар, маҳалла тизими мутасаддилари, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ҚЎҚОН ШАҲРИДА ЯНГИЛАНГАН МАКТАБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов тантанали маросимда сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида берилган кўрсатмалар ижроси доирасида Қўқон шаҳрида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари мукаммал таъмирланаётгани, ўқитувчи ва ўқувчиларга замон талаби асосида шароитлар яратилаётгани хусусида гапириб ўтди.

"Қўқон бинокор" масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари учун 7,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. 3 та бино, шу жумладан, 420 ўринли ўқув корпуси, ошхона, спорт ва фаоллар заллари барпо этилди.

Тантана иштирокчилари шинам ва

ёруғ синфларда таълим олаётган ёшлар билан суҳбатлашдилар, уларнинг билим савияси, касб-ҳунарга меҳри, мақсадлари билан қизиқдилар.

Шаҳар ҳокими бошчилигида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида мактаб ҳовлисига манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Улуғбек НОРБОЕВ.

Заъфарон доришунослик саноатида кенг ишлатилади, у Шарқ табобатининг 300 дан ортиқ доридармонлари таркибига киради. Дамламаси билан қадимда кўз касаллиги – катарактани даволашган, ҳозирги вақтда ҳам у кўзга томизиладиган дорилар таркибига қўшилади.

ЗАЪФАРОН НИМАГА ВА ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНАДИ?

Заъфарон бутун организм ҳужайраларини озиқлантиради, терини силлиқ қилади, рангни тиниқлаштиради, хотира ва ақлий фаолиятни яхшилайди, кайфиятни кўтаради. Амалда ҳар қандай хасталик, у бошланиш босқичидами ёки ривожланган охирги босқичидами, бундан қатъи назар, заъфарон ёрдамида бемор 85-87 фоизга шифо топади. Тадқиқотлар буни қайта-қайта исботлаган.

Заъфароннинг 2-3 гул оталиги ва 10 дона майиз олиб, ярим стакан совуқ сувга солинади, тун давомида тиндирилади. Шунда сув қўнғиртилла ранг тус олади. Наҳорда ичилади, худди шу йўсинда кечқурун ичиш учун меъёрдаги дори эрталаб тайёрлаб қўйилади. Муолажа 2 ой давом этади.

У организмни умумий мустаҳкамлайди ва фаоллаштиради. Қонни яхши тозалайди. Иммунитетни мустаҳкамлайди. Онкологик касалликларнинг олдини олади.

Давоми 4-бетда.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Инсон манфаатлари ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси илгари амал қилиб келган "давлат – жамият – инсон" тамойилини "инсон – жамият – давлат" деб ўзгартирилган ҳолда, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилган.

Асосий Қонунимизга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани эътиборга лойиқ. Унда ҳар кимнинг турар ва яшаш жойини танлаш, Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқи мустаҳкамланган, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно эканлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқароси мамлакатга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эгалиги, илк бор давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши ҳақида нормалар киритилган.

Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги кафолатланган. Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга қаратилган устувор вазифалар алоҳида мустаҳкамланган.

Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўриш белгиланган. Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланган, болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари ҳам ман этилган. Фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўриши белгилаб қўйилган.

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши, Конституцияда судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Судьялар дахлсиз ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, судья ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланиши белгиланган, Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан асосий қонуннинг моддалари сони амалдаги 128 тадан 155 тага, Конституция нормаларининг умумий ҳажми эса қарийб 65 фоизга кўпайгани, янги таҳрирдаги Конституция "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамиятини жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ш.МИРЗАҲАКИМОВ,
Фарғона вилоят маъмурий суди судьяси.
О.ТОШПЎЛАТОВ,
Фарғона вилоят маъмурий суди девонхона мудири.
С.ҲАМРАЛИЕВ,
Фарғона вилоят маъмурий суди судья катта ёрдамчиси.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Бош Қомусимиз қабул қилинган кун ҳар йили миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Конституциямизнинг 32 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш мақсадида жойларда "Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови" деган бош ғояни ўзида мужассам этган турли хил маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ҳар бир халқ, миллат ўз истиқлолига эришганидан сўнг жаҳонда янги мустақил давлат сифатида ташкил топганлиги, мақсади, келажак истиқболларини ўз Конституциясида белгилаб қўяди. Чунки дунёдаги мавжуд конституцияларнинг барчаси уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий тафаккури, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқ бўлади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам халқимиз табиатига мос барча маънавий-маданий қадриятларни, халқимиз донишмандлигини, ахлоқий фазилатларини ўзида мужассам этган. Шунинг учун ҳам у бизнинг фахримиз, ифтихоримиздир. Йиллар ўтган сайин Конституциямизнинг мукаммаллиги, ҳаётийлиги, халқчиллиги, унинг келажак талабларига жавоб бера олиши ўз исботини топиб бормоқда.

Конституциямиз озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларимизни, сўз ҳамда эътиқод эркинлигимизни олий қадрият даражасига кўтарди. Кўҳна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва мустақиллик йилларида қабул қилинган барча қонунларимиз, олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шу улуғ мақсад йўлида давлатимиз умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланиб, фуқароларимизнинг эркинликлари, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаб келмоқда. Қомусимизнинг 54-моддасида кафолатлаб қўйилганидек, "Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир".

Конституция шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берган. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланиши эътироф этилган ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратилган.

Ўтган йиллар давомида инсон манфаатларини муҳофазалашга қаратилган миллий қонунчилик тизими яратилгани, ҳаётга изчил тадбиқ этилаётгани самарасини аҳоли фаровонлиги ва жамиятимиз барқарорлиги мисолида кўриб турибмиз.

Бош Қонунимизнинг 42-моддасида **"Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга"** деб белгилаб қўйилгани аҳоли фаровонлигини юксалтириш кафолатидир.

О. МИЛЛАБОЕВ,
Фарғона иссиқлик электр маркази касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Фарғона шаҳрининг БОШ РЕЖАСИ: КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛАЁТГАН МУҲИМ ҚАДАМ

(Бошланиши 1-бетда).

Яқинда вилоятимиз раҳбари лойиҳа билан танишиб, Бош режани янада такомиллаштириш, сел йўлларини мустаҳкамлаш, ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, ҳар бир йўналиш бўйича солиштирма таҳлиллар қилиш, яшил жамоат паркларини кўпайтириш вазифасини топширди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий. Фарғона шаҳрининг Бош режасини яратишдан мақсад нима? Бу орқали аҳолига қандай қулайликлар кўзда тутилган?

Аввало, айтиш жоизки, вилоят марказининг Бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқишда мутахассислар шаҳарнинг бугунги кундаги иқтисодий, ижтимоий, ҳудудий, ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда аҳолининг ўсиш суръатлари каби кўрсаткичларини ўрганиб чиқишди. Улар зиммасига барча соҳалардаги кўрсаткичларни ҳукумат топшириқлари, давлат дастурларида белгиланган ҳамда шаҳарсозлик нуқтаи назаридан меъёрий талабларга мослаштириш вазифаси қўйилганди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 13 сентябрдаги "Фарғона вилоятининг Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатга асосан, Фарғона туманидан қўшилган 811,66 гектар ер майдони ҳисобига Фарғона шаҳрининг умумий ер майдони 10 815,66 га кенгайтирилди.

Сўнгги ўн йилликлардаги шаҳарларнинг ривожланиш динамикаси ва "Катта Фарғона" ягона агломерациясини ривожлантиришдаги мавжуд тенденцияни таҳлил қилсак, Фарғона шаҳри вилоятнинг маъмурий, сиёсий ва маданий маркази бўлиб, қўшни Марғилон шаҳри, Тошлоқ шаҳарчаси, Қиргули турар жой массиви ва Фарғона туманидаги Миндонобод шаҳарчаси "Катта Фарғона" агломерациясининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

1938 йилги Бош режага кўра, саноат корхоналари, чарм ва пахта тозалаш заводи, ун ва гўшт комбинати, нефть базаси шаҳар чеккасида жойлашган эди. Кейинчалик, 1951 йил Бош режасига кўра, шаҳарнинг саноат зонасида фуран бирикмалари кимё заводи ва тўқимачилик фабрикаси пайдо бўлди.

Йиллар давомида вилоят маркази тез ривожлана бошланди, қўшни туманлар қишлоқ хўжалиги ерларининг бир қисми ҳам ўзлаштирилиб, Фрунзе (ҳозирги Ойбек), Қиргули каби йирик турар жой массивлари шакллана бошланди. 1966 йилга келиб, шаҳарнинг жануби-шарқидаги Охунбобоев (ҳозирги Абдулла Қодирий) турар жой массивида қурилиш ишлари бошланди.

Фарғонанинг Эски шаҳар қисми "тарқалувчи радиал кўчалар" деб аталадиган жойда жойлашган бўлиб, у тарихий шаҳар топографияси ва инқилобдан олдинги даврдаги бир қатор маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган мукаммал бинолари билан қимматлидир. Улар орасида собиқ Зобитлар уйи, ҳозирги Фарғона давлат университети, собиқ вилоят марказий маданият уйи, вилоят мусиқали драма театри, собиқ вилоят шифохонаси бинолари бор.

Фарғона вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозирда шаҳар ҳудуди 10815,66 гектардан иборат бўлиб, 70 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Шунингдек, шаҳар шартли равишда саккизта турар жой тузилмаларига бўлинади.

Ҳудудда асосан икки, тўрт, беш, етти, саккиз, тўққиз, ўн икки, ўн олти қаватли уйлар қурилган. Шулар қаторида, шаҳар маҳаллалари якка тартибдаги бир-икки қаватли турар жой биноларидан ва қатор корхона ва ташкилотлардан иборат.

Айни пайтда тақдим этилаётган Бош режадан мақсад – вилоят маркази инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда ҳамда қимматбаҳо экин майдонларини тежаш мақсадида 7-9 ва ундан баланд қаватли турар жой ва бошқа ижтимоий объектларнинг фоизини оширган ҳолда, шаҳарнинг барча қулайликларга эга маркази ва маҳаллалар марказларини яратишдир. Бунда асосий йўналиш шаҳарнинг жануби-шарқий томонига қаратилган.

Бош режадан кўзланган яна бир мақсад – Фарғона шаҳрининг 14,0 км жануби-шарқидаги Қувасой шаҳридаги қурилиш индустрияси саноатини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда, оқилона лойиҳавий ташкил этиш, уларнинг ўзаро бир-бири билан боғлаб, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашдир.

Қолаверса, Бош режа шаҳар маҳаллалари аҳолиси ҳаётининг кўп жабҳаларини қамраб олган ҳужжат бўлиб, унда функционал зоналаштириш ва яшаш муҳити сифатини белгиловчи бошқа муҳим жиҳатлар – транспортнинг қулайлиги, муҳандислик инфратузилмаларининг ишончлилиги, ҳудуднинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, "Янги Ўзбекистон" массиви билан уйғунлашган ҳолда, шаҳарсозлик фаолиятининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, ҳудудни зоналаштириш асосида шаҳарнинг архитектура-фазовий муҳитини ривожлантириш бўйича таклифларни шакллантириш, экологик вазиятни оптималлаштириш, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаларини яхшилаш каби масалаларни ҳал қилади.

Шу тариқа Фарғона шаҳрининг барқарор ижтимоий-иқтисодий, фазовий ва инфратузилмавий ривожланишини таъминлайдиган узоқ муддатли шаҳарсозлик стратегияси шакллантирилди.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳал қилишда мавжуд тузилма, табиий шароитлар, истиқболли ривожланиш кўлами ва ҳудудни лойиҳалаштиришни ташкил этиш тамойиллари ҳисобга олинган.

Бугунги кунда шаҳар мавжуд функционал асосда ривожланаётган бўлиб, янги Бош режада ушбу функционал зоналар сақланиб қолади ва янада ривожлантирилади.

Ташқи транспорт, ишлаб чиқариш ва саноат, спорт, парк, маъмурий ва жамоат зоналари, маданий ва маиший объектлар, савдо муассасалари, умумий овқатланиш корхоналари ва коммунал хизматлар зонаси яратилади.

Шаҳарнинг саноат зонаси унинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган ва келажакда янада ривожланиши назарда тутилган. Жамоат маркази мавжуд маъмурий бошқарув, савдо, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, маданий-маиший объектлар ва бошқалар негизида шакллантирилади.

Бош режага кўра, шаҳарнинг яшил майдонлари яхлит тизимга бўйсундирилди. Ҳар бир турар жой ҳудудларининг яшил майдончалари, саноат ва ариқларнинг санитар-ҳимоя ҳудудлари автомобиль йўлларининг яшил йўлаклари орқали боғланиб, шаҳар марказида жойлаштирилган дам олиш, маданият ва истироҳат боғига уланган.

Истироҳат боғи ҳудудида кўнгилочар масканлар, аттракционлар, фавворалар, тинч ҳудудлар ҳамда тематик масканлар мавжуд. Марказий маданият ва истироҳат боғи ҳамда мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари биноси ва лойиҳавий таълим муассасалари пиёдалар булварлари орқали боғланиши лойиҳалаштириш ишларида инобатга олинган.

Лойиҳада пиёда йўлаклари асосан шу яшил тизимга боғланган ҳолда ишланган ва дам олиш хиёбонлари, яшил ҳудудлар ташкил қилиниши белгиланган. Шунингдек, унда шаҳарнинг экологик ривожланиши ҳам қатор тамойиллар асосида акс эттирилган.

Ҳудудни ихчам, ҳар томонлама қулай аҳоли пунктига айлантириш учун шаҳар ва атрофидаги шаҳарлар, шаҳарчалар билан агломерациялашувидан келиб чиқиб, уларнинг барча тизимларини мужассам тарзда шакллантириб, бир-бири билан қулай тарзда боғлаш амалга оширилди.

Уй-жой ҳудудларини тартибга солиш, ҳудудларни ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилма объектлари билан тизимли боғлашга эришилди. Функционал ҳудудлаштиришда аниқлик ва қулайлик яратилди.

Функционал ҳудудларда хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштиришда уларни пиёда ва транспорт боғлиқлиги қулай тарзда шакллантирилди.

Бундан ташқари, мавжуд ҳудудларни янги яратилаётганлари билан боғлашда аҳоли учун кам харажатли йўлларни топиш, шу иккала ҳудудни бир хил ривожлантириш, орасидаги тафовутни қисқартириш ва бир-бирига уйғунлаштириш ишлари бажарилди.

Лойиҳавий муддатга кўра, шаҳарда аҳоли сони 2043 йилга бориб 450 минг нафарни ва умумий ер майдони 10920,0 га ни ташкил этиши лозим.

Шаҳар ичидан қатновчи транзит транспортлар қатновини камайтириш мақсадида, катта ҳалқа йўли қурилишини якунига етказиш, шунингдек, шаҳар орқали Қува, Андижон шаҳарларига транспортлар қатновини Қува – Қиргули автомобиль йўлини Шароф Рашидов кўчаси орқали Қўқон – Марғилон – Фарғона автомобиль йўлининг Аҳмад Фарғоний кўчасидаги шаҳарга кириш дарвозасига туташ жойда боғловчи 2,8 км автомобиль йўли, шундан 1,15 км эстакада қурилишини амалга ошириш режалаштирилди.

Шунингдек, Бош режада агломерация талабларидан келиб чиққан ҳолда, Қувасой, Фарғона, Марғилон шаҳарларини Ёзёвон шаҳарчаси орқали А-376 халқаро автомобиль йўли билан боғловчи марказий йўл қурилиши режалаштирилмоқда.

Муҳим жиҳатларидан яна бири – шаҳарнинг ер ости сизот сувлари билан боғлиқ муаммолари ўрганиб чиқилди. Ёрмозор массиви ҳудудларида сизот сувлари 0-2,0 метр юзада бўлганлиги ва ушбу ҳудудларнинг сейсмик ҳолати 9 баллни ташкил этишини ҳисобга олиб, ушбу ҳудудларда кўп қаватли бино ва иншоотлар қурилиши мумкин эмаслиги аниқланди.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш мақсадида Марғилонсой қирғоқларининг бетонланмаган қисмларини бетонлаш, бетонланмаган ирригация тармоқлари (ариқлар)га бетон лотоклар ётқизиш, "Ёрмозор" сизот сувлари ҳавзасига туташ горизонтал коллекторларни тозалаш зарурлиги, шунингдек, мавжуд тик дренаж қудуқларини ишлатиш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш ва сел хавфининг олдини олиш мақсадида дамбаларни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилган.

Бунёдкорлик борасида сондан сифат босқичига ўтиш вақти келди. Айни жараёнда дунёнинг иқтисодий, тадбиркорлик, туризм марказлари бўлган мегаполис шаҳарлар қурилиши бизга яхши тажриба бўлади. Боиси, ўзига хос меъморий ечимга эга, замонавий шаҳарсозлик архитектураси анъаналари асосида амалга оширилган улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари нафақат меъморчилик соҳаси ютуқлари ҳисобланади, шу билан бирга, мамлакатнинг куч-қудрати, салоҳиятини ҳам намоён этади.

Беҳзоджон РАҲИМОВ,
вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори.

2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили

Маҳаллада "ЯШИЛ МАКОН" лойиҳаси ва сервис хизмати марказлари

Фарғона вилоятида мингдан зиёд маҳалла бўлиб, уларнинг ҳар бири "Яшил макон" лойиҳасида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, тоғолди Сўх туманида ҳам. Кўчалар ободонлашди, йўл четларига манзарали ва мевали дарахтлар экилди.

Туман ҳокимининг таъкидлашича, биргина Жавпоя массивида 6 мингдан зиёд кўчат экилди. Унда тумандаги барча маҳалла вакиллари иштирок этди.

Сарҳисоб йиғилишида Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси раҳбарлари амалга оширилган ишларни очиқ-ойдин таҳлил қилди. Ҳазрати Али маҳалласида "Маҳалла боғи" яратилгани ибратли тажриба экани айтилди ва шу каби ташаббуслар рағбатлантирилиши эътироф этилди.

Яқинда вилоят масъуллари Сўхдаги маҳаллаларга бориб, амалга оширилган ишлар билан танишди.

– Фарғона вилояти маҳаллалари кесимида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида 2 миллион 177 туп кўчат экиш белгиланган эди. Режани 132 фоизга якунладик, – дейди Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нафиса Ҳамроқулова. – Сўх тумани бўйича маҳалла боғи яратилди. Камбағал оилаларга ҳомийлик асосида кўчатлар экиб берилди.

Маҳаллалар уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ишчи гуруҳи аъзолари тумандаги бемор, кам таъминланган оилалар ҳузурида бўлиб, уларга ёрдам кўрсатиш масаласини муҳокама қилди.

Маълумки, шу йил "маҳалла еттилиги"ни қўллаб-қувватлаш мақсадида кеча-кундуз давомида узлуксиз, яъни 24 соат ишлайдиган "Маҳалла сервис хизмати" марказлари очилди. Дастлаб улар техник воситалар билан жиҳозланди.

– 11 турдан ошиқ бўлган маҳсулотлар Узбекистон Маҳаллалари уюшмаси томонидан етказиб берилди, – дейли Нафиса Ҳамроқулова. – Ҳар битта маҳаллаларда сервис компаниялари ташкил қилинди. Бу компаниялар барча солиқ туридан озод қилингани учун маҳсулотлар арзон.

Марказ ишчилари эҳтиёжманд оилалар томорқасини ҳайдаб берди. Бундан ташқари, улар ҳовлилардаги дарахтларга кимёвий ишлов беришди, гилам ювиш, тандир-ўчоқ қуриш, ойна ва ром ўрнатиш каби йигирмадан зиёд хизмат турларини амалга оширди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.

Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Қўқон мактабларида ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Таълим ва тарбия олиш ҳар бир боланинг ҳам қонуний, ҳам инсоний ҳаққи. Мактабларда болага таълим берилса, тарбияни кўпроқ ота-онадан олади. Уларнинг уйғунлигидагина кўзланган натижага эришилади. Уйғунликнинг самарали шакли, шамойили ҳамиша қидирилган, синаб кўрилган.

Фарғона вилояти ҳокимлиги бу борада бир қарорга келди ва тавсия берди. Бундан буён вилоятдаги барча мактабларда ҳар ойнинг охирги шанба куни ота-оналар билан учрашув бўлади. Шундай қилинганда, ота-она фарзандининг таълим олиш даражасини доимо кузата олади, зарур пайтда биргаликда чора кўради.

Айтиш жоизки, Қўқон шаҳар мактаблари ҳар йўналишда юқори кўрсаткичлари билан ажралиб келмоқда.

– Биз илгари ҳам ота-оналар учун мактабларда йиғилишлар ўтказиб турар эдик, – дейди Қўқон шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари Иродахон Мирзаева. – Эндиликда режа асосида маълум мавзуларга бағишлаб, ҳар ойнинг охирги шанба куни ташкил этилади. Ишончим комилки, бундай шакл таълим-тарбия борасида ижобий натижа беради.

Қўқондаги 23-давлат умумий ўрта таълим мактабида муаллимларнинг ота-оналар билан шанба учрашувида шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов иштирок этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат дастури доирасида мукаммал таъмирланган мактабда шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар бўйича тўгараклар ташкил этилди, улар замонавий ускуналар, жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди.

– Таълим сифатини ошириш, тарбияли ёшларни шакллантириш барчамизнинг вазифамиздир, – деди шаҳар ҳокими М.Усмонов. – Биз бирлашсак, ҳамкорликда ишласаккина кутилган натижа бўлади. Мактаб ва ота-оналар мулоқотидан умидимиз катта.

Ўз мухбиримиз.

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНЧА ПУЛ ЖЎНАТДИ?

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эълон қилган жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича қисқача шарҳда маълум қилинишича, жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида мамлакатимизга келиб тушган пул ўтказмалари 12,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Бу маблағ ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга кўпайган. Лекин ҳали 2022 йилги кўрсаткичга етгани йўқ.

Кўриниб турибдики, дунёда кузатилаётган иқтисодий инқироз, турли зиддиятларга қарамай ўзбекистонликларнинг мамлакатга жўнатаётган пуллари камайгани йўқ.

Маблағларнинг **78 фоизи РОССИЯДАН (9,8 млрд. доллар)** келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан **35 фоизга** ошган.

Мазкур трансфертларнинг қолган қисми
ҚОЗОҒИСТОН (699 млн. доллар),
АҚШ (470 млн. доллар),
КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ (458 млн. доллар),
ТУРКИЯ (331 млн. доллар),
БУЮК БРИТАНИЯ (109 млн. доллар)
ва бошқа мамлакатлардан ўтказилган.

Марказий банкнинг изоҳлашича, Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари ҳажмида кузатилган ўсиш тренди асосан меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий ҳамкор мамлакатларда иқтисодий фаоллик ва иш ҳақи миқдорининг ошиши ҳамда ривожланган мамлакатларга меҳнат миграцияси оқими кўламининг кўпайиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон пул ўтказмалари ҳажми бўйича дунёда 15-ўринда туради.

ЖУМА САБОҒИ

"ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ"

Воҳидхон КАМОЛОВ, Сўх тумани бош имом-хатиби.

"Оила жамиятининг бир бўлаги" деб бежизга айтилмаган. Оиланинг асосий ўчоғи бўлган эр ва хотин ўрталаридаги алоқа муҳаббатли ва самимий бўлсагина, оила қуришдан кўзлаган мақсад рўёбга чиқиши мумкин. Инсонга Аллоҳ таоло файзи билан неъмат ва омонат қилиб фарзанд беради, унга илму ҳунар, дину эътиқод ва шариатни ўргатиш, яхши одоб-ахлоқ ва таълим бериш ота-онанинг зиммасидадир. Чунки, бу масалада лоқайдлик қилинса, фарзанд келажакда яхшиликни ёмонликдан, тўғриликни эгриликдан, ҳақни эса ноҳақдан ажратолмай қолади.

Бола илк тарбияни ота-онасидан олишини, унинг ақли, тафаккури оилада шаклланишини ҳамамиз яхши биламиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратишни таъкидлаган: "Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдорда қилган нафл садақасидан яхшироқдир", "Ота болага гўзал одобдан яхшироқ нарса бера олмайди", "Болаларингиз ва аҳли аёлларингизга яхшилик қилишни ўргатинглар, уларни хушхулқ қилиб тарбияланглар" (Имом Термизий ривояти).

Президентимиз ҳам Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб, вояга етишларига боғлиқлигини кўп бор такрорлайдилар.

Баркамол авлодни тарбиялаш мустақиллигимизнинг илк кунларидан олий вазифа этиб белгиланган. Бу масалага динимизда ҳам катта эътибор беришимиз буюрилган. Истиқлолнинг шарофати билан ҳатто қишлоқларда ҳам замонавий, дунё андозаларига жавоб берадиган мактаб, лицей ва коллежлар барпо этилдики, бу муассасаларда ёшларимиз чуқур таълим олиб, билим савияларини ошириб келишмоқда. Биз ота-оналар ва мураббийлар ёшларимизни ўқиш жараёнидаги ва таътиллар давридаги, кўчаларидаги юриш-туришидан доимо хабардор бўлмоғимиз даркор. Уларга ўзлари танланган касб-ҳунар ёки спортнинг бирор тури билан шуғулланишларига кўмаклашсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Ёшлик вақтингизни кексаликдан олдин, бўш вақтингизни бирор иш билан машғул бўлиб қолишдан олдин ғанимат билинг", деб марҳамат қилганлар. Ушбу ҳадисдан маъно шуки, ота-оналар фарзандларига вақт оқар дарё эканлигини, унинг бирор лаҳзасини ортга қайтариб бўлмаслигини, унинг ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш зарурлигини ўргатишлари керак. Уларни болалигидан бошлаб меҳнатга ўргатиб, ҳалол меҳнат билан топилган мол-мулкда барака бўлиши ҳақида панд-насиҳатлар қилиш зарурдир.

Фарзандларимизни дунёда ўткир билимли, фаол, уддабурон, ватанпарвар, меҳнатсевар, тадбиркор мўмин-мусулмон қилиб тарбиялаш ота-онага боғлиқдир ва зикр этилганидек, бу нафл ибодатидан кўра афзал ва савоблироқдир.

"Қуш уясида кўрганини қилади" дейди доно халқимиз. Оилада ота-онанинг айтган ҳар бир сўзлари фарзанднинг тарбиясига ё салбий, ё ижобий таъсир етказиши мумкин. Ҳар бир фарзанд тарбиясида нафақат ота-она, балки бутун жамоатчилик мураббий ва масъул бўлиши шарт. Зеро, "Бир болага етти қўшни ота-она" деб бежизга айтилмаган.

Бугунги кунда дунёда ёшлар тарбиясига кучли таҳдид солаётган мобиль алоқа воситаларининг зарарли томонларини қайд этиш лозим. Нобакор кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда интернет тармоғидан усталик билан фойдаланмоқда. Бунинг натижасида айрим ёшлар ғайри эътиқодга қўшилиб қолмоқда. Шунинг учун ота-онанинг фарзандлари тақдирига ҳушёрроқ қарашлари кун тартибидан тушмаслиги лозим. Уларни халқимизнинг юксак қадриятларидан баҳраманд этиш, илм олиш ва касб-ҳунар эгаллашларига ёрдам бериш, теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, ўзгаришларга бефарқ бўлмай, келажакка катта ишонч билан боқишга ўргатиш ҳар бир ота-она, маҳалла аҳли, устоз-мураббийларнинг бош вазифаси бўлмоғи шарт.

Корхона маҳсулотлари

ТАШҚИ БОЗОРГА ЖЎНАТИЛЯПТИ

Ёш тадбиркор Жамшидбек Зокиров тожикистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон туманининг "Жонобод" маҳалла фуқаролар йиғинида мева-сабзавот ва дуккакли маҳсулотларни қайта ишлайдиган "Aroma fruct" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди.

Лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган мазкур корхона йилига 2,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиш салоҳиятига эга.

– Шу кунларда корхонамизда куниг 3 тоннагача маҳсулот қайта ишланяпти. Шартномаларга асосан Россия ва Туркия давлатларига экспортни бошладик. Яқин келажакда ташқи бозор географиясини кенгайтириш бўйича аниқ режаларимиз бор, — дейди Жамшидбек Зокиров.

Қўшма корхонада 40 нафар маҳалладошлар доимий иш билан банд бўлди.

Қиш мавсуми КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Ўзбекистон тумани ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлашда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган "Fergana avtomat raschot " масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ўрни катта.

Ўтган мавсумда хусусий шерик томонидан тумандаги 150 дан зиёд ижтимоий соҳа муассасаларида енгил типдаги қозонхоналарни қуриш, 500 дан зиёд "ақлли" қозонлар ўрнатиш, сифатли хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилнинг шу кунгача муассасаларга яна 23 та ана шундай қозонлар қўйилди. Бу жараён давом этмоқда.

Корхона омборига 6 минг тоннадан кўп кўмир жамғарилди. Шу ернинг ўзида ёқилғини саралаш ва брикет тайёрлаш ишлари ҳам бажарилмоқда. Жамиятнинг 50 нафар ишчи-мутахассислари иситиш тизимларини модернизация қилиш тадбирларига жалб этилган.

Қишнинг қорли-қировли кунларига пухта тараддуд кўрилаётгани ижтимоий соҳа объектларида мавсумни беталафот ўтказиш имконини беради.

А. БОБОЖОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"MODERNA CERAMIC INDUSTRIES FERGHANA" МЧЖ ШАКЛИДАГИ ҚЎШМА КОРХОНА ТАЪСИСЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2025 йил 6 январь куни, соат 10:00 да Фарғона шаҳар "Moderna ceramic industries Ferghana" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси ўз маъмурий биносида таъсисчиларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
Манзил: Фарғона шаҳар, Ёруғлик кўчаси, 1-уй.

"INSON" СТ АЖ "Водий" суғурта марказига тегишли бўлган А4 сериядаги 077808 ва 077908 рақамли суғурта полис бланкалари йўқолганлиги сабабли, ҳақиқий эмаслиги учун
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"RAH-SHAN" КАБЕЛЬ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ МИЖОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"RAH-SHAN" МЧЖ маъмурияти 2024 йил давомида иш ҳаққи ва пенсиялар бир неча бор ошганлиги ва жамият харажатлари кўтарилганлиги сабабли шартноманинг 4.1 А) бандига асосан, 2025 йил 1 январдан ойлик мижоз тўловлари қуйидагича белгиланганлигини маълум қилади:
Кўп қаватли уйлар учун – 28 000 сўм.
Ҳовли уй ва ташкилотлар учун – 30 000 сўм.
Рақобатчи ҳудудлар учун – 25 000 сўм.
"RAH-SHAN" МЧЖ маъмурияти. Тел: 73 226-24-32.

Фарғона шаҳар, "Ўрмончилар" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 340-уйда жойлашган "Expocomplex" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЗАЪФАРОН НИМАГА ВА ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНАДИ?

(Бошланиши 1-бетда).

Жигар фаолиятини меъёрига келтириш ва уни даволаш мақсадида заъфарон ун каби янчилиб, майдаланади ва овқатлангандан 20 дақиқа ўтказиб истеъмол қилинади. Бунда – уни чой қошиғи учидан тил билан ялаб истеъмол қилинади.

Эркаклар қувватини ошириш учун заъфарон, занжабил дориворлари ва қора мурч сабзавотли, гўштли ёки балиқли таомлар пиширилиб, тайёр бўлгач, қўшилади.

Юрак, буйрак, жигар касалликларини даволашда, конъюнктивит (кўзларни қоплаб турувчи юпқа парданинг яллиғланиши), кератит (шох парда яллиғланиши) ва йирингли жароҳатларни даволашда заъфароннинг сувдаги аралашмасидан фойдаланилади. Бунинг учун бир чой қошиғи заъфарон толалари устидан қайнаб турган бир стакан сув қуйилади, 20 дақиқа тиндиради, 3 қават докадан ўтказиб, совутилади ва кунига уч маҳал овқатдан олдин 15 граммдан ичилади ёки бу сувга дока ҳўллаб жароҳатга қўйилади.

Томирлар хасталиклари, катаракта, глаукома, юрак-қон томир касалликлари ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда, буйрак тошларини майдалашда заъфаронни қуритиб, майдаланган ва асалга аралаштирилган толалари тил тагига қўйиб, шимиб истеъмол қилинади.

Заъфаронни қайноқ сутга қўшиб ичиш бош мия тўқималарининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. У хотирани яхшилайди, ақлий фаолият ва сезги органлари фаолиятини яхшилайди.

Асабларни тинчлантириш ва уйқуни яхшилаш, шунингдек, пешоб ажралишини яхшилаш учун заъфарон ёғини истеъмол қилиш яхши натижа беради.

Бош оғриғидан фориғ бўлиш учун заъфароннинг 3 дона толасини олиб, 3-4 томчи эритилган ёғга аралаштирамиз ва уни бурун катаклари устидан суртамиз, қолганини бурун ичига нафас билан тортамиз.

Ички қон кетишини даволашда бир чой қошиқ зарчавани 6-7 та заъфарон толаси билан аралаштириб, аралашмани қайноқ сутга солиб ичамиз.

Ҳайз вақтини меъёрига келтириш ва оғриқни пасайтириш учун кунига 5-10 та тола заъфарон истеъмол қилинади. Бунда – толаларни аста-секин ялаш ёки олмага, асалга ва чойга қўшиб истеъмол қилиш мумкин.

Жигар хасталикларини ва қонга оид касалликларни даволаш мақсадида 10 дона майиз, 3 та тола заъфарон ва 100 грамм сувдан фойдаланамиз. Бу аралашма 8-9 соат давомида тиндирилади. Бир ярим ой давомида ҳар сафар мазкур йўсинда янги тайёрланиб, тиндирилган аралашма ичилади.

Иммун тизимини меъёрига келтириш учун чойга заъфарон толалари қўшиб ичилади. Бунинг учун чойнакка 7-15 та тола заъфарон солинади ва устидан 200 грамм қайноқ сув қуйилади, оловга қўйиб яна 5 дақиқа давомида қайнатилади, яна 400 грамм қайнаб турган сув қўшилади, қайнаб чиқиши билан оловдан олинади. Толалар чойнак тагига чўккинича тиндириб, сўнг ичилади. Бундай чой икки ой давомида кунига уч маҳал овқатланишдан олдин ичилади. Битта дамланган заъфарон толаларидан икки марта бундай чой дамланади.

Кўзни даволаш учун майдалаб ун ҳолига келтирилган 5 та заъфарон толасини олиб, шунга тенг миқдорда атиргул суви (гулоб) аралаштириб, кўзга суртилади.

Буйракдаги тошларни тушириш учун ундай янчилган 50 та заъфарон толаси 100 грамм тоза табиий асал билан аралаштирилади. Бу аралашма овқатланишдан олдин кунига икки маҳал ярим ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Бронхитни даволашда заъфарондан бир ош қошиқ олиб, устидан бир стакан қайноқ сув қуйиб дамлама тайёрланади. Дамламадан кунига уч маҳал 30 граммдан ичилади.

Пешоб йўлларидаги тош касаллигини даволаш учун бир ош қошиғида заъфарон олиб, устидан 250-300 грамм қайноқ сув қуйилади. Дамлама тўлиқ тиндирилади. Кунига уч маҳал овқатдан олдин 15 граммдан ичилади.

Саломатликни умумий мустаҳкамлаш учун 7-15 дона заъфарон ип толаси олиниб, қайноқ сувда чайилади, сўнг устидан 250 мл. қайноқ сув қуйилади ва паст оловга қўйилади. 3-5 дақиқа ўтгач, устидан 500 мл. қайноқ сув қуйиб, қайнай деганда олинади (дори қайнаши керак эмас). Бир кеча-кундузда уч маҳал 250 мл.дан овқатланишдан ярим соат олдин ичилади. Бу дорини тайёрлашда ишлатилган заъфарон толаларини худди шу йўсинда иккинчи марта дори тайёрлаш учун ишлатиш мумкин.

Хотирани яхшилаш учун заъфароннинг янчиб майдаланган 3 дона толасини 250 мл. сутга аралаштириб ичилади.

Тушкунликка тушиш, хафақонлик, заифлашган кўриш қобилиятини тиклаш, қонни тозалаш учун 3-4 та заъфарон толасига 2-3 дона янчилмаган қора мурч ва 15 дона майиз қўшилади, устидан 1 стакан қайноқ сув қуйилади ва наҳорга ичилади.

Бронхитни даволаш учун икки чой қошиқ заъфарон толалари бир стакан қайнаган сувга аралаштирилади, 15 дақиқа давомида буғидан нафас олинади. Суюқ қисмини докадан ўтказиб, икки ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади.

Шундай қилиб, заъфарон кўплаб касалликларга даводир.

ШИФОБАХШ ЗАЪФАРОННИ ҚАЕРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

BMB Za'faron саломатлик маркази – call-markaz. Телефон: +99855 516-22-99.

BMB Za'faron Sello Market – https://sello.uz/sellers/ooo-bmb-impex

Uzum Market – https://uzum.uz/ru/httpsbmbtguzzafaron

Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ўтмиш ва бугундан сабоқ берувчи даргоҳдир.

МУЗЕЙЛАР ҚАЧОН ГАВЖУМЛАШАДИ?

Бу муассасада 100 мингдан ортиқ экспонатлар сақланмоқда. Музей фондининг асосий қисмини тарихнинг турли даврлари муҳим воқеаларини, ўзбек давлатчилигининг ривожланиш босқичларини ўзида акс эттирган ашёлар ва коллекциялар, халқимиз маданий-маиший турмуш тарзидан гувоҳлик берувчи уй-рўзғор буюмлари, буюк давлат арбоблари, саркардалар, сиёсатчилар, уламолар, таниқли фан ва маданият намояндаларининг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган ашёлар ташкил этади.

Шунингдек, фан ва техниканинг ривожланиш босқичларини ифодаловчи ҳужжатлар, модель-макетлар, археологик қазилмалар чоғида топилган қадимий ашёлар, ҳайкалтарошлик, рангтасвир, халқ амалий, мусиқа ва театр санъати буюмлари, қўлёзмалар, тошбосма китоблар, нодир ва қимматбаҳо нашрлар, тарихий, илмий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган бошқа буюмлар музейдан жой олган.

Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, XVIII-XX асрларга оид Риштон, Ғурумсарой кулолчилигининг нодир намуналари, Скобелев даврига оид мебеллар жамланмаси, Қўқон хони Худоёрхон қироат қилган муқаддас Қуръон китоби, қорахонийлар даврига тегишли тангалар каби 700 дан ортиқ ноёб экспонатларнинг йиллар ўтгани сайин қадри ошмоқда.

Музейлар фонди давлат бюджети, ҳомийлар ҳамда муассасанинг пуллик хизмат кўрсатиши эвазига жамғариладиган маблағлар, илмий экспедициялар натижасида топилган археологик ашёлар ҳисобига бойиб боради.

Афсуски, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида музей фондини бойитиш ишлари бироз сусайди. Жумладан, шу йил давомида фақатгина аҳоли томонидан 17 та, корхоналардан 12 нусхадаги буюм ва жиҳозлар келтирилди, холос. Шунингдек, археолог олим Муҳаммаджон Исомиддинов раҳбарлигида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган тош даври қуроллари, лой ва бронза буюмлар музей фондини бойитиш мақсадида беминнат тақдим этилди.

– Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2023 йилдан буён тарихий буюмлар харидини амалга оширганимиз йўқ. Чунки, аҳоли хонадонларида сақланаётган ёки ихтиёрий равишда ҳадя этилган тарихий ашёлар махсус кенгаш томонидан ўтказилган экспертиза хулосасида фонд учун яроқли деб топилмади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор: бир-бирини такрорловчи, тарихий аҳамиятга молик бўлмаган ашёлар қабул қилинмайди, – дейди Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи раҳбари ўринбосари Элёржон Раҳимов.

– Фан-техника тараққиётини музейларда акс эттириш учун давлат ташкилотлари ва муассасалари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намуналарини музейга бепул бериши натижасида ҳам фондни бойитиш мумкин.

Музейнинг туризм ва маркетинг бўлими бошлиғи Алишер Маматовнинг таъкидлашича, ашёлар ва коллекциялар фондининг давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан миллий музей фонди таркибига киритилган ҳисобланади. Бу ерда сақланаётган ҳар бир буюмнинг ўз тарихи бор. Улар ҳақида ашё каталогига батафсил ёзилади.

– Баъзан тарихий аҳамиятга молик қадимий буюмларнинг айнан бир турдагиси – қадимий тангалар, қоғоз пуллар, уй-рўзғор буюмлари кўп келтирилади. Хилма-хилликни сақлаш мақсадида бир турдаги ашёлардан бир-икки нусхада ўзимизда олиб қоламиз, қолганлари Марғилон, Олтиариқ, Учкўприкдаги филиалларимизга жўнатилади, – дейди у.

Биз музей ва обидаларнинг ёшлар учун чинакам дарсхона эканини кўп гапирамиз. Аммо тан олиш керак, аҳоли ўртасида музейларга қизиқиш намунали даражада эмас.

Шу йил давомида Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейига ташриф буюрувчилар 60 минг нафарни ташкил этди. Уларнинг атиги 1000 нафарга яқини хорижий сайёҳлар холос.

Чет давлатларга саёҳатимиз чоғида бошқа ўлкаларда бундай масканларга келаётганлар орасида хорижликлар кўпчиликни ташкил этишига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Маҳаллий аҳолининг ҳам ўз тарихи ва бой маданий мероси, урф-одат, анъана ва маросимлари мужассамлашган маънавият ўчоғига мунтазам ташриф буюриши шаклланган.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув режада музей ва маданий мерос объектларида амалий машғулот ўтказиши белгиланган. Сабаби, тарихий обидалар ва экспонатлар ўқувчиларда тарихимизга бўлган тасаввурни бойитади. Музейга келувчи "меҳмон"ларнинг аксариятини шу каби ёшлар ташкил қиляпти холос.

Албатта, тарихий музейларнинг файзли манзилга айланиши кўп жиҳатдан унинг тарихий бойлиги ва мазмундорлигига боғлиқ. Бунинг учун уларни таъмирлаш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, атрофини обод қилиш билан чекланиб қолмасдан, хизмат кўрсатишнинг самарали усулларини жорий қилиш, тарихий анъаналарга хос кўргазмали ва жонли томошаларни ташкил қилиш замон талабидир.

Шунингдек, ташриф буюрувчиларнинг сонини ошириш учун вилоят тарихига оид қадимий ашёларнинг хорижий давлатларда сақланаётган асл нусхалардан кўчирмалар олиб келиш чоралари кўрилса ҳам айни муддао бўлар эди. Ўйлаймизки, бу каби таклифлар амалга ошса, музейларимиз яна гавжум масканга айланади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Саломатлик

ТОРВОҚ ҳаёт сифатига таъсир қилади

Торвоқ (халқ тилида эшакеми дейилади) – ўткир яллиғланишли тери касаллиги бўлиб, дунё аҳолисининг 20 фоизигача бўлган қисми бу хасталикдан азият чекмоқда.

Касаллик терининг "семиз" ҳужайраларининг фаоллашиши ва дегрануляцияси, гистамин ва бошқа воситачиларнинг чиқиши туфайли пуфакчалар, ангиоедема ёки иккаласининг комбинацияси сифатида намоён бўлади.

Кўпгина торвоқ ҳолатлари 6 ҳафта давом этади. У инфекция, дори-дармон ёки озиқ-овқат истеъмоли билан боғлиқ бўлиши мумкин. Сурункали торвоқ ўз-ўзидан ёки қўзғалувчан бўлиб, кўпчилик беморларда бир йилдан ортиқ давом этади ва уларнинг ҳаёт сифатига жиддий таъсир қилади.

Сурункали торвоқ патогенези бир нечта ўзаро боғлиқ жараёнлардан, жумладан, аутоантикорлар, комплемент, қон ивиш тизимидан иборат. Торвоқ диагностикаси клиник маълумотлар асосида амалга оширилади. Аммо дифференциал ташхисни истисно қилиш ва касалликнинг асосий сабабларини ёки сурункали идиопатик торвоқни қўзғатувчи омилларни аниқлаш учун бир нечта тестларни ўтказиш мумкин.

Торвоқ учун ҳозирги кунда даволаш иккинчи авлод антигистаминлар ёрдамида босқичма-босқич ёндашув орқали тўлиқ бартараф этишга қаратилган.

Ф.ЁҚУБОВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий маркази Фарғона филиали шифокори.

Эрталаб ишга йўналишда қатновчи "Дамас" автомашинасида келар эканман, бир онахон тўлиб турган юрагини тўккиси келдими, "уф" тортганча менга юзланди.

ВИРТУАЛ ҲАЁТ ГИРДОБИГА ҒАРҚ БЎЛИБ БОРАЯПМИЗМИ?

— Тинчликми, онахон? — дейман ҳорғин юзларига қараб.

– Эй, юрагим ёрилиб кетай, дейди. Уйда 2 ўғлим, уларни хотинлари, набираларим бор. Аммо, мен билан мундоқ гаплашиб ўтиришмайди. Эрталабдан ярим кечгача қуриб кетгур телефонга тикилишгани-тикилишган. Унга қараб, ҳиринглаб кулишадими-е, хуллас, ҳозирги ёшларни худди ажина чалиб кетгандек. Дастурхонни устида ҳам ўша темирга боқишади...

Ҳозир ахборот технологиялари шу қадар ривожланиб боряптики, инсоният виртуал ҳаёт гирдобига ғарқ бўлиб бормоқда. Ҳатто, гўдаклар қўлига телефон берсак, йиғидан тўхтайдиган бўлиб қолди.

Америкалик тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, Wi-Fi ва мобиль телефонлардан фойдаланиш фарзанд кутаётган аёлларда ҳомиланинг нобуд бўлиш хавфини тахминан 50 фоизга оширар экан. "Ортодокс" тиббий портали хабарига кўра, қурилмаларнинг ҳомиладор аёллар организмига салбий таъсирининг сабаби магнит майдонининг нурланишидадир.

АҚШ ҳудудида ўтказилган тадқиқот давомида ҳомиласини йўқотган аёлларнинг тахминан ярми доимий равишда смартфондан фойдалангани аниқланди. Телефон тармоқни излаш давомида тегишли жиҳозлар томонидан қайд этилмайдиган паст кучланишли радиацион майдонни ҳосил қилади. У бутун организм фаолиятига таъсир кўрсатади.

"Ҳомила тушиши АҚШдаги ҳомиладорлик ҳолатларининг 15-20 фоизида кузатилади. Бу жаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади, зеро, бундай кўрсаткичлар бутун сайёрада қайд этилмоқда. Бўлғуси онани ҳомиланинг нобуд бўлиши ва бошқа таҳдидлардан хавфсизлантириш учун нафақат у смартфон ва бошқа портативгаджетлардан фойдаланишдан воз кечиши, балки яқин атрофидаги кишилардан ҳам шуни сўраши керак", дейишмоқда тадқиқотчилар.

Гаджетларга бўлган тобелик даражаси, айниқса, у кичик ёшдан шаклланиб келган бўлса, ҳатто, наркоқарамликдан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин экан.

Келинг, ўйлаб кўрайлик! Фарзандларимиздаги ўжарлик, "юраги торлик", алоҳида хоналарга қамалиб олиб, ўз дунёсига ғар бўлишдек иллатлар телефонга қарамлик ортидан келиб чиқмаяптими? Болалигимизда оилада туғилган чақалоқларни уч ёшга етгунча бувижонларимиз бешикка солиб, "алла" айтиб ўтиришар эди. Бугунги бувиларнинг эса "ҳожи оши", "синфдошлар учрашуви", "дугоналар гапи" каби йўллари шу қадар кўпки, уларни бешик тебратишга вақти ҳам, афсуски, тоқати ҳам йўқ.

Узоққа бормайлик-да ўзим гувоҳ бўлган аччиқ бир ҳақиқатни айтиб берай. Жияним бадавлат, катта оилага келин бўлиб тушди. Оиланинг ўзига яраша юмушлари ҳаддан ортиқ. Аввалига жажжи гўдагига қўшиқ қўйиб бериб, "тинчлантирган" жияним, боласи бир ёшга етгандан сўнг телефон орқали мультфильм қўйиб бериб, уй ишларини бажаришга мажбур бўларди. Охир-оқибат, виртуал ҳаётга ўрганган болада мулоқот қилиш зарурияти бўлмагани сабабли умуман гапирмасди, ҳеч ким билан иши бўлмайдиган, мажбур қилинмаса, қорни очганини ҳам ҳис қилмайдиган даражага етди. Агар қўлидаги телефонни олиб қўйилса, боладаги ўжарлик ва тажангликка тоқат қилиб бўлмайди. Олиб борилмаган психолог, невропатолог, логопед қолмади. Энг зўр мутахассислар 9 ёшли боланинг руҳиятида ўзгаришлар қилиши учун 5 йил ҳам камлик қилмоқда.

Айтмоқчи бўлганим, "Қуш уясида кўрганини қилади" деган нақлнинг замирида катта ҳикмат бор. Бир дастурхон атрофида самимий гурунглашиб, таом емас эканмиз, эртага болаларимиз қариндош-уруғлар у ёқда турсин, вақти келиб, улар ўз ота-оналарига ҳам меҳр кўрсата олмайдиган даражага етиб бориши мумкин.

Баъзан айрим фарзандларнинг ўз отасига ёки онасига қўл кўтараётгани, устозига беҳурмат сўзларни айтаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Бизнинг менталитетимизга мутлақо мос келмайдиган бундай одатлар замирида ҳам "сотовой" телефонга боғланиб қолишдек одат мавжуд менимча. Аслида, яқинларининг меҳр тафтини ҳис қилиб яшаш инсон умрига умр қўшади, дарддан халос этади. Инсон ўзини атрофдагиларга, яқинларига ҳамиша керак эканлигини ҳис қилиб яшаши ҳам бир улуғ ҳикмат.

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик: бир парча темирга тикилган ҳолда, бугуннинг янгиликлари қатори, беҳаёликларни ҳам кўриб қалблар "занг тортгани" муҳимми ёки яқинларнинг кулиб турган меҳрли нигоҳларга боқиб, яхшиликларни туйиб яшаш улуғроқми?!

Гулчеҳра АҲМЕДОВА.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: _____.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

Газета жума куни чиқади. Адади: 1552 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.